



MILLIY TIKLANISH

5 (437) ● 2017 йил 1 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Харакатлар стратегияси лойиҳасига ЎЗМТДП фаоллари ва депутатлари ўз таклифларини бермоқда

Партиянинг барча ташкилотларида Биринчи Президентимиз таваллуд санасига бағишланган тадбирлар ташкил этилди

2016 йилда ЎЗМТДП гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашларига 134 ташаббус-масала киритилди

Давра суҳбати

Харакатлар стратегияси — тараққиёт омили

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олишига, аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётга дастуриламал бўлиши мўлжалланаётган. Харакатлар стратегиясининг ҳаётимизга татбиқ этилиши давлатимиз ва жамиятимиз ривожини янги bosқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси лойиҳаси айни пайтда кенг жамоатчилик, депутатлар, давлат бошқаруви идоралари вакиллари томонидан пухта ўрганиб чиқилмоқда. Шу мақсадда медиа-хафталик ташкил қилинди, жойларда депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар, экспертлар ва медиа соҳа ходимлари иштирокида семинарлар бўлиб ўтмоқда. Иштирокчилар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси лойиҳасида белгиланган вазифалар доирасида фикр билдириб, кўзда тутилган устувор йўналишларни рағбат топтиришга қаратилган таклифлар билдириляптир. Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

> 4-бет.

Пленум



Сардор Муллажонов суратлари

Замон талабларига мос фаолият юритиш зарур

ЎЗМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўз фаолиятида ана шу мезонга таянади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Партиянинг 2016 йилдаги фаолияти якунлари ва 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган Пленумда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги, Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар белгиланди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Китобхонлик маданияти — маънавий юксалиш мезони



> 6-бет.

Инсон тафаккурининг ноёб маҳсули

Маҳаллий аҳоли "кора олмос" деб атайдиган, ноодатий геометрик шаклга эга бу иншоот Дания қироллик кутубхонасининг янги биносидир



> 7-бет.

Тарих кўзгуси, тарбия маскани

Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейида 64 мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда



> 8-бет.

Миллий ғурур

Розиянинг рангин орзулари ушалмоқда



Муסיқа инсоннинг диди, тасавури ва туйғуларини тарбиялайди. Мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибордан мақсад ҳам ягона: ўз ҳаётий мезонларини нафис санъат тамойиллари асосида шакллантирган, диди ўткир, тасавури тиниқ, тафаккур доираси кенг ёшларни вояга етказиши.

> 6-бет.

Муносабат

Мамлакатимизда қонуни устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳамоя қилишга қаратилган ислохотлар изчил ва bosқичма-bosқич амалга оширилмоқда. Бундай кенг кўламли жараёнда, албатта, прокуратура органлари фаолияти муҳим ўрин тутади.

Доимий мулоқот кундалик вазифамизга айланади

Шу йилнинг 7 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг прокуратура органлари ходимлари билан учрашувида юртимизда қонуни устуворлиги, демократия тамойилларини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муносиб даражада ҳимоя қилиш, аҳоли билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлаш борасида билдирилган танқидий-тахлилий фикрлар, хулосалар соҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юкланди. Давлатимиз раҳбари учрашувда бугунги давр талабидан келиб чиқиб, олдимизда турган энг муҳим ва устувор вазифаларни белгилаб берди, халқ ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни тубдан мустаҳкамлаш ҳамда фаолиятимизни янада такомиллаштиришга қаратилган кўрсатма ва йўл-йўриқларни илгари сурди. Учрашув давомида бундан кейин иш услубимиз, фаолиятимизга дахлдор муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартиришимиз кераклигини чуқур ҳис этдик.

Прокуратура органлари ходимларининг иши нафақат катта масъулият, балки фидойилик ва ҳалолликни ҳам талаб қилади. Соҳа вакили ўзи қабул қилаётган ҳар бир қарор ортида инсон тақдири турганини қалбана ҳис этиши, етти ўлчаб бир кесишни фаолияти мезонига айлантириши лозим.

> 5-бет.

Сана

Мустақиллигимиз меъмори

қалбларда мангу барҳаёт

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, халқимизнинг улуғ ва ардоқли фарзанди, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов Ватанимизни мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда "ўзбек модели" номини олган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан ва амалга оширган, халқро миқёсда катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида янги тарихимизда ўчмас из қолдирди. Халқимизнинг тарихан қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марралари ҳақли равишда бевосита Ислоҳ Каримов номи билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишлаб кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
 Нашр кўрсаткичи — 158

www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

Бизнинг шарҳ

Исландия парламенти

бир палатали бўлиб, унда тўрт йил муддатга сайланадиган 63 депутат фаолият юритади

Исландия Республикаси Атлантика океанининг шимолий қисмида, Исландия оролида жойлашган. Майдони — 103 миң квадрат километр. Аҳолиси — 325 миңдан зиёд. Пойтахти — Рейкьявик шаҳри. Расмий тили — исланд. Амалдаги Конституцияси 1944 йил 17 июнда қабул қилинган. Унга 1944-1999 йилларда тўрт мартаба тузатиш киритилган. Давлат бошлиги — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Президент билан Альтинг (бир палатали парламент) беради. Ижро ҳокимиятини Президент, Бош вазир ҳамда вазирлардан иборат ҳукумат амалга оширади. Исландия 1946 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган. 1997 йилнинг 25 сентябрида Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Миллий байрами — Мустақиллик куни, 17 июнда нишонланади.



Альтинг исланд тилида “умумий мажлис” деган маънони англатади. Дунёдаги энг қадимий парламентлардан бири бўлиб, 930 йилда ташкил этилган. У 1991 йилга қадар юқори ва қуйи палатадан иборат бўлган. Бироқ ўша йилда ўтказилган парламент ислохотидан сўнг бир палатали бўлиб, Конституцияга бу борада тегишли ўзгариш киритилди.

лов кунига қадар 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга.

Президент умумхалқ сайловидан сўнг, ўн ҳафтадан ошмаган муддат ичида янги парламент сессиясини чақиради ва уни очиб беради. Президент Альтинг сессиясини бир йилда бир мартаба кичик муддат — икки ҳафта давомида тўхатиб туриш, парламент мажлисини исталган пайтда чақириб ва парламентни тарқатиб юбориш ваколатларига эга. Бундан ташқари, депутатлар асосий қисми талаби билан ҳам парламент мажлиси чақирилади. Янги парламент сайлови Альтинг тарқатилгандан сўнг 45 кун ичида ўтказилиши лозим. Депутатлар ваколати сайлов кунига қадар амал қилади.

Альтингда 63 депутат фаолият олиб боради. Улар умумхалқ сайлови асосида, яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Мамлакат Асосий қонунига мувофиқ, сайловни ўтказиш учун камида олтига сайлов округи тузилади. Уларнинг чегараси қонун билан белгиланади.

Парламентнинг янги таркиби ўз фаолиятига киришишдан олдин қонунда белгиланган тартибда қасам-ёд қилади. Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Уларни парламент розилигисиз жинсий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Сайловдан сўнг парламентнинг илк мажлисида депутатлар Спикер ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Спикер парламент фаолиятига раҳ-

барлик қилади. “Мустақиллик” партияси ваҳили Эйнар Гудфинссон 2013 йилнинг 27 апрелидан Альтинг раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Парламентнинг навбатдаги сессияси ҳар гал 1 октябрдан бошланади. Мазкур сана агар умумхалқ байрами кунига тўғри келса, сессия ундан кейинги кунда очилади. Парламент сессиялари одатда пойтахт — Рейкьявик шаҳрида бўлиб ўтади. Бироқ зарурат туғилганида Президент парламент йиғилишини мамлакатнинг бошқа ҳудудда ўтказиш юзасидан ҳам фармойиш чиқариши мумкин.

Альтинг давлат бюджетини тасдиқлаш, қонунларни қабул қилиш, Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, ижро ҳокимиятининг молиявий фаолиятини назорат қилиш ваколатларига эга. Солиқлар парламент рухсатисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Парламентга шунингдек, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Нафақат Альтинг аъзолари, балки вазирлар ҳам қонун, резолюция лойиҳаларини илгари суриш ҳуқуқига эга. Парламент қонун лойиҳасини уч ўқишда қабул қилади. Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси икки ҳафтадан кечиктирилмай кўриб чиқиш ҳамда имзолаш учун Президентга қабул қилган қонун лойиҳаси икки ҳафтадан кечиктирилмай кўриб чиқиш ҳамда имзолаш учун Президентга қабул қилган қонун лойиҳасини рад этса, у умумхалқ референдумига қўйилади. Борди-ю референдумда сайловчилар қонун лойиҳасини рад этса, у ўз кучини йўқотган деб топилади. Президент имзолаган қонун матбуотда эълон қилингандан сўнг кучга кирди.

Зарурат туғилганида, яъни парла-

мент таътилга чиққан пайтда Президент қонунларни мутлақ қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу қонунлар Конституцияга зид бўлмаслиги, парламент мажлиси чақирилиши билан кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун зудлик билан Альтингга тақдим этилиши лозим. Борди-ю парламент қонунни вақтинчалик қабул қилмаса ёки уни қабул қилиш масаласида уч ҳафта ичида яқини қарорга келмаса, қонун ўз кучини йўқотган деб топилади.

Альтинг ўз таркибида давлат аҳамиятига молик масалалар билан шуғулланадиган қўмиталарни ҳам ташкил этиши мумкин. Парламент унга мансабдор ва жисмоний шахслардан ёзма ёки оғзаки ҳисоботларни талаб қилиш билан боғлиқ ваколатларни тоширади. Келгуси молия йилидаги Давлат бюджети лойиҳаси Альтингнинг ҳар бир сессиясига тақдим этилиши лозим.

Вазирлар Альтинг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир депутат вазирга сўров юбориши мумкин. Парламент мажлислари очик-ошкора ўтказилади. Бироқ Альтинг раиси ва депутатлар кўпчилигининг овози билан парламент аъзоси бўлмаган шахсларнинг йиғилишда иштирок этишига рухсат берилмаслиги ҳам мумкин.

Исландияда сўнгги парламент сайлови ўтган йилнинг 29 октябрида ўтказилди. Унда жами 12 сиёсий партия иштирок этди. Сайловда 21 мандатни қўлга киритган “Мустақиллик” партияси галаба қозонди. “Чап яшиллар ҳаракати” ҳамда “Piratar” партияси 10 тадан ўринга эга бўлди. Аҳамиятлиси, сайланган 63 депутатнинг 30 нафарини аёллар ташкил этди ва бу Европа бўйича энг юқори кўрсаткич сифатида баҳоланди.



Рангин дунё


Инсон тафаккурининг ноёб маҳсули

Копенгаген шаҳрига келган сайёҳ соҳил бўйида жойлашган қора рангли бинони пайқамаслиги, бориб кўрмаслиги мумкин эмас. Маҳаллий аҳоли “қора олмос” деб атайдиган, ноодатий геометрик шаклга эга бу иншоот Дания қироллик кутубхонасининг янги биносидир.

Нафақат Скандинавия, балки дунёдаги энг йирик кутубхона бўлиши бу муассасада ЮНЕСКО ҳимоясига олинган кўплаб ноёб экспонатлар сақланади. Бу ерда тўпланган алоҳида қимматга эга китоблар, нодир қўлёзмалар, қадимий нашрлар кутубхона фахри ҳисобланади. Иоганн Гутенберг нашр этган “Инжил” нусхаси, швед табиатшуноси ва табиби Карл Линнейнинг асарлари, эртакнавис Ханс Кристиан Андерсен қўлёзмалари, файласуф Сёрен Кьеркегор илмий архиви шулар жумласидан. Кутубхона фондидан кўплаб тарихий ҳужжатлар, XVII асрдан бошлаб то шу кунгача Данияда чоп этилаётган асарлар жой олган. Кутубхонада дан тилида ёзилган тарихий ва замонавий босма нашрлар, ўрта асрга оид тарихий қўлёзмалар, машҳур инсонларга тегишли кундалиқлар, ноёб хориж нашрлари, қадимий суратлар жамланмаси, хариталар, шарҳ адабиётлари, мусика ноталари ҳам мавжуд. Ноёб китоб фондидан яхши сақлаш учун бу ерда барча зарур шарт-шароит яратилган.

1648 йилда қирол Фредерик III асос солган кутубхона 1793 йилдан фуқаролар учун хизмат кўрсата бошлади. 1989 йилда кутубхона фонди Копенгаген университети, 2005 йилда Дания табиатшунослик ва тиббиёт миллий кутубхонаси, 2008 йилда Дания фольклор архиви билан бирлаштирилди.

Кутубхона биноси Слотсхолмен оролида жойлашган. Унинг эски биноси 1906 йилда меймор Ганс Йорген бошчилигида бунёд этилган. Бинонинг марказий қисми Ахен шаҳридаги Буюк Карл саройидаги кичик ибодатхонадан андоза олган



ҳолда ишланган. Иншоотнинг кириш жойи олдидаги майдончада даниялик файласуф ва ёзувчи Сёрен Кьеркегор хотирасига ёдгорлик ўрнатилган.

“Қора олмос” деб аталадиган кутубхонанинг янги биносини 1995 йилда қуришга киришилади. Бунинг учун 465 миллион Дания кронаси сарфланади ва у 1999 йилда кўриб битказилади.

“Қора олмос” ташқи томондан қора рангли гранит ҳамда ойна билан қопланган. Иншоот ноғури куб — пастандан юқорига ҳамда шимолдан жанубга қараб кенгайган шаклда бунёд этилган. У кутубхонанинг эски биноси билан “Christians Brygge” кўчасини кёсиб ўтган ойнаванд ўтиш йўли (кўприк) орқали ўзаро боғланган. Иншоотнинг ички қисми тўлқин шаклида ишланган саккиз қаватли бўлмадан иборат. Уларда китоблар, ўкув хоналари жойлашган. Кутубхонада “Қиролчиқа зали” деб аталувчи, 600 кишига мўлжалланган кенг майдон мавжуд. Бу ерда концерт, конферен-

ция, театр томошалари, расм кўргазмалари ўтказилади, машҳур ёзувчилар билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этилади.

“Монтана” залида кутубхона фондидан энг ноёб китоблар жамланган. Ўқув хоналаридан бирининг кириш қисми шифтида даниялик расмол Пеьер Киркеб ишлаган деворий суратлар ўзига хослиги билан ажралиб туради.

“Қора олмос”да китоб дўкони, тамаддихона ҳам мавжуд. Кутубхона фондидан 18 ёшдан ошган барча фуқаро фойдаланиши мумкин. Бироқ китобларни уйга олиб кетишига рухсат берилмайди. Кутубхонада энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган шароитлар яратилган. Фонднинг электрон шаклга ўтказилган қисмидан фойдаланиш имконини берадиган электрон кутубхона, матн, овоз, графика ва тасвирларни акс эттирадиган мультимедиа технологиялари зали кутубхона фойланувчилари учун ҳам беқиёс имконият яратмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

“Теннис қироли” яна галаба қозонди

Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер Мельбурнда ўтган Австралия очик чемпионатининг эркаклар ўртасидаги яқалик баҳслари финалида испаниялик Рафаэль Надални 6:4, 3:6, 6:1, 3:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бу — Федерернинг “Катта дубулга” туркумига кирувчи нуфузли мусобақаларда қўлга киритган 18-соврини. Шу вақтга қадар ҳеч бир эркак теннисчи бундай улкан натижага эриша олмаган. Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин “Улкан Тоғ” туркумидаги йилнинг дастлабки йирик мусобақаси — “Australian орен-2017” турниридан сўнг жаҳон рейтингининг кучли юзликдан жой олган теннисчилар орасида энг катта ўсишга эришди: 37 поғона юқорилаб, 117-ўриндан 80-поғонага кўтарилди.

Истомин турнирнинг 4-босқичига етиб бориб, фақат жароҳати сабаб чорак финал остонасидан қайтишга мажбур бўлди. Аммо шунга қарамай у дастлаб хорватиялик Иван Додигни, иккинчи босқичда жаҳоннинг иккинчи ракеткаси сербиялик Новак Жоквичини, учинчи беллашувда испаниялик Пабло Карреньо Бустани мағлуб этди. Аммо 4-босқич баҳсида қутулмаган жароҳат Истоминга тўлиқ куч билан ўйнаш имконини бермади ва у болгариялик Григор Димитровга имкониятни бой берди.



Кўзи ожизлар учун гажет

Гажетлар нафақат кўнгличор мақсадларга, балки имконияти чекланган одамларнинг ҳаётини энгиллаштиришга ҳам ёрдам бериши мумкин.



Швейцариядаги “Еуга” компанияси ўтган йилнинг ноябрь ойида кўзи ожизларга кўмаклашадиган — улар юрганда йўлдаги буюмлар ҳақида маълумот берадиган “Horus” номли гажетни ишлаб чиқарганди. Яқинда ушбу гажет имкониятлари кенг оммага намойиш этилди.

Мослама “NVIDIA Tegra K1” базасида яратилган электроблок, иккита “Full HD” камерали бош модуль ва махсус қулоқчинлардан ташкил топган. Камера атрафдаги буюмларни аниқлаб, фойдаланувчига қулоқчин орқали хабар беради. Кучли аниқлаш алгоритмлари фойдаланувчи олдида турган объектларни танишга кўмаклашади, қандайдир Қурилма ҳозирда синовдан ўтказилмоқда.

Дарахтлар чақмоқдан ҳимоя қилади

Бангладешда чақмоқ қақиши оқибатида юзага келаётган ўлим ҳолатини камайтириш мақсадида дарахт экиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу ҳақда “vokrugsveta.ru” хабар тарқатган.

Утган йили Бангладешда чақмоқ уриши туғайли 200 дан зиёд ўлим ҳолати қайд этилган. Маҳаллий ҳокимият табиий офат оқибатларини камайтириш учун кенг миқёсда дарахт экиш ташаббусини илгари сурмоқда. Мамакатда гуруч майдонларининг кенгайтирилиши дарахтларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. “Биз қишлоқ ва туманларда пальма дарахтини экишни бошлаб юбордик. — дейди мамлакат Фавкулудда вазиятлар вазирлиги матбуот котиби Шоҳ Камол. — Шу йилнинг июнига қадар миллионга дарахт экишни режалаштирганмиз”.

Экспертларнинг эътирофи эйтишича, пальма дарахти чақмоқ уриши ўзига қисман қабул олади. Мазкур дастур бундан аввал Таиландда татбиқ этилган эди. Мутахассислар дарахтлар униб ўсганидан сўнг қутулган натижани беришини таъкидламоқда.

Уч экранли ноутбук

Американин “Razer” компанияси “Project Valerie” деб номланган ноутбук лойиҳасини тақдим этди, дейилади “techcult.ru” сайтида.



Ноутбук 17 дюмли уч дисплей билан жиҳозланган. Оғирлиги — 5 килограмм, эни — 3,8 сантиметр. У очилгач, иккита қўшимча дисплейни турли томонларга суриш ва шу тариқа кенг экранга эга бўлиш мумкин. Ҳар бир дисплей “IGZO” технологияси бўйича ишлаб чиқилган. Улардаги тасвир “NVIDIA G-Sync” технологияси ёрдамида мослаштирилади.

Ноутбук механик клавиатура, видео хотираси 8 гигабайт бўлган “NVIDIA GeForce GTX 1080” видеокарта, 32 гигабайтлик тезкор хотира, энг замонавий совутиш тизими эга. Компьютер 6 миң долларга баҳоланмоқда.

Саҳифани “Milliy tiklanish” муҳбири Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ тайёрлади.

